



ЭНТЕРОЖЕРМИНА®
ENTEROGERMINA®
препаратини тиббиётда қўллаш учун
ЙЎРИҚНОМА
(пациентлар учун)

Препаратни қўллашни бошлашдан олдин ушбу илова-варақани диққат билан ўқиб чиқинг. Агарда Сизда қўшимча саволлар пайдо бўлиб қолса, илтимос Ўзингизнинг шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

Ушбу препарат Сизга мўлжалланган. Уни бошқа шахсларга бериш мумкин эмас. Бу уларга зарар етказиши мумкин, ҳаттоки агарда уларнинг касалликларининг белгилари Сизда кузатилаётганларга ўхшаш бўлса ҳам.

Ушбу илова-варақани сақланг. Сизга уни қайтадан ўқиб чиқиш керак бўлиб қолиши мумкин.

Препаратнинг савдо номи: Энтерожермина®/Enterogermina®

Халқаро патентланмаган номи: йўқ

Дори шакли: капсулалар.

Таркиби:

Бир капсула сақлайди:

фаол модда: антибиотикларга полирезистент бўлган *Bacillus clausii* споралари – 2 миллиард;

ёрдамчи моддалар: каолин, микрокристаллик целлюлоза, магний стеарати, *капсула таркиби:* желатин, титан диоксиди (E171), тозаланган сув.

Таърифи: оқиш рангдан фил суяги рангигача бўлган майда кукун сақловчи қаттиқ оқ желатин капсулалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: диареяга қарши восита.

АТХ коди: A07FA.

Қўлланилиши

Ичак дисбактериози (дисмикробиоз) ва ундан кейинги эндоген дисвитаминозни олдини олиш ва даволаш.

Антибиотиклар ёки кимётерапия воситалар билан даволашдаги ичак микрофлорасини тиклаш бўйича даволаш.

Болалардаги интоксикация ёки ичак дисбактериози (дисмикробиоз) ва дисвитаминози учун характерли бўлган ўткир ва сурункали меъда-ичак бузилишлари.

Дозалаш ва қўллаш усули

Ичга қабул қилиш учун.

Дозалаш

Катталарга: кунига 2-3 капсуладан, Даволовчи шифокор пациентнинг аҳволига қараб бошқача суткалик дозани тавсия этиши мумкин.

Препаратнинг бир марталик дозасини (1 капсула) қабул қилишлар орасидаги тавсия этилган интервал 3-4 соатни ташкил қилади.

6 ёшдан ошган болалар: кунига 1-2 капсула. Даволовчи шифокор пациентнинг аҳволига қараб бошқача суткалик дозани тавсия этиши мумкин.

Агар препаратнинг суткалик дозаси кунига 1 капсулани ташкил қилса, препарат кунига бир марта қабул қилиниши керак.

Агар суткалик доза 1 капсуладан ортиқ бўлса, препаратнинг бир марталик дозаларини (1 капсула) қабул қилиш орасидаги тавсия этилган интерваллар 3-4 соатни ташкил қилади.

Қўллаш усули

Капсулани оз миқдордаги сув ёки бошқа ичимлик билан ичиш керак. Болаларга капсулани ютиши қийин бўлган ҳолларда, суспензия кўринишидаги препаратни ишлатиш керак.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг таъсир этувчи моддаси ёки қандай бўлмасин бошқа ингредиентига юқори сезувчанлик.

Махсус кўрсатмалар ва қўллашдаги эҳтиёткорликлар

Махсус кўрсатмалар

Ушбу препаратни целиакияда (ёки глютен касаллиги) қўллаш мумкин.

Эҳтиёткорлик чоралари

Антибиотиклар билан даволаш вақтида препаратни, антибиотикларни қабул қилишлар орасидаги танаффус вақтида қабул қилиш керак.

Ҳомиладорлик ва эмизиш

Ушбу дори препаратини ҳомиладорлик ва эмизиш вақтида қабул қилиш мумкин.

Ножўя таъсири

Препарат қабул қилгандан сўнг пайдо бўлувчи тошма ва эшакеми каби аллергия реакциялар ҳақида маълумотлар бор.

Дозани ошириб юборилиши

Ҳозирги вақтгача дозани ошириб юборилишининг клиник кўринишлари қайд этилмаган.

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири ва ўзаро таъсирнинг бошқа шакллари.

Бошқа дори воситалари билан бир вақтда қабул қилиш натижасида дорилар билан ўзаро таъсири аниқланмаган.

Транспорт воситалари ёки бошқа механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Препарат транспорт воситалари ва машина қурилмаларини бошқариш учун зарур бўлган қобилиятга таъсир қилмайди.

Чиқарилиш шакли

12 капсуладан ПВХ/ПВДХ/Ал блистерларда. 1 ёки 2 блистердан қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

30°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби.

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Санофи-Авентис С.п.А., Италия (Sanofi-Aventis S.p.A., Italy)

Виале Европа, 11, 21040 Ориджо, Италия